

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хужамкулов Дилмурод Юсупалиевич

**Oriental университети профессори, и.ф.н.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10117938>

**Аннотация.** Мазкур тезисда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти ва уни жалб этишни ривожлантиришнинг долзарблиги таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, тармоқ, қишлоқ хўжалиги, инвестициялар, хорижий инвестициялар, ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш.


Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади ва у иқтисодиёт тармоқларининг капитал, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурслар миграцияси асосидаги ўзаро интеграциясини ривожлантириш жараёнларининг асосини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий фаровонлигида, айниқса, глобал озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси жиддий тус олаётган бугунги кунда ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш давлатнинг асосий устувор иқтисодий сиёсати сифатида муҳим ўрин эгаллаб келади. Мазкур тармоқни жадал ривожлантириш унда харажатлар бўйича тежамкорлик ва самарадорликни ошириш, ишлаб чиқариш кўлами ва яшил иқтисодиёт сари самараларини ошириш борасидаги ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда амалга оширилиб, ушбу комплекс тадбирларни амалга оширишда инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни янада фаоллаштириш чораларини кўриш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада иқтисодиёт тармоқларига ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини оширишга доир қатор мақсад ва вазифалар назарда тутилди. Жумладан, Тараққиёт стратегиясининг 26-мақсадида, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш кўзда тутилган [1].

Юртимизда инвестиция муҳити жаозибadorлигининг ортиб бориши асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йил сайин ўсиб боришига олиб келмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестициялар 2022 йилда 269,9 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 100,9 % га ортди ва ЯИМга нисбатан улуши 30,4 %ни ташкил этди. Унинг 41,5 трлн. сўми марказлашган инвестициялар, 228,4 трлн. сўми марказлашмаган инвестициялар ва 112,2 трлн. сўми хорижий инвестиция ва кредитлардан ташкил топди [2].

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги асосий капиталга инвестициялар динамикасини қуйидаги расмда кўриш мумкин.



### 1-расм. Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси, трлн. сўм [2].

2022 йилда корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажми 84,5 трлн. сўмни ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 31,3 %ини, аҳоли маблағлари ҳисоби инвестициялаш жами асосий капиталга инвестицияларнинг 9,5 %и ёки 25,8 трлн. сўмни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бўлган қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар ҳам тармоқ ривожига ва модернизациясида муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, тармоқда замонавий технологиялар, ёқилғи ва ресурс тежамкор бўлган, рақамлаштириш технологияларига асосланган, яшил иқтисодиёт ривожига қаратилган ишлаб чиқаришларни кенг жорий этишни фаол инвестициялаш ҳажмини ошириш энг устувор вазибалардан бўлиб қолмоқда.

### 1-жадвал. Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ва унда яратилган ялпи маҳсулот ҳажми [2]

Йиллар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Қишлоқ хўжалигига инвестициялар, млрд. сўм	2004,3	3561,1	15141	18025,5	18934,9	19900,0
Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот миқдори, млрд. сўм	148199,3	187425,6	216283,1	250250,6	303415,5	347600,0

Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ва ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўртасидаги боғлиқлик таҳлилига кўра, 2022 йилда тармоққа йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 9,9 баробарга ошган бўлса, ушбу даврда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми 2,3 мартага ўсган ва 2022 йилда 347600 млрд. сўмни ташкил этган (2-расм).



### 2-расм. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг иқтисодий модели [3]

2-расмдаги моделдан кўриниб турибдики,  $R^2=0,9903$  қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ва қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот ўртасида жуда кучли боғлиқликни билдиради. Демак, қишлоқ хўжалигига қанча кўп инвестиция киритилса, унинг самарасини қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми ўсишида кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш муҳимки, республикаимиз Президенти томонидан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни янада жадаллаштириш талабидан келиб чиқиб, келгуси 2024 йилда ушбу соҳада амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, қишлоқ хўжалигида “катта сакраш”га фақат илм орқали эришиш мумкинлиги таъкидланди. Бу борада ер сифати, нав ва агротехнологияга замонавий илмий ютуқларни кенг тадбиқ этиш орқали бир гектарда пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, ғаллада 100 центнерга етказиш вазифаси қўйилди.

Минтақамизда сув муаммоси кун сайин долзарб бўлиб бормоқда. Сўнгги икки йилда сув хўжалигига бюджетдан 22 трлн. сўм, жумладан, сув тежовчи технологияларга қарийб 1 трлн. сўм субсидия ажратилган.

Шу боис келгуси йилларда суғориш каналларини бетонлаш, сув тежовчи технологиялар ўрнатиш ишларига ажратиладиган маблағ кўпайтириб борилади. Жумладан, келгуси йилда марказлашган инвестиция ҳисобидан 1,7 трлн. сўмлик ва халқаро молия ташкилотларидан 300 млн. долларлик сув инфратузилмаси лойиҳалари амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага кенгроқ тўхталиб, суғориш каналларини бетонлаш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинишини таъкидлади.

Шунингдек, тармоқ, соҳа ва ҳудудларга келгуси йил 32 млрд. доллар инвестиция жлб этиш масаласи кўзда тутилганлигини [4] алоҳиқа қайд этиб ўтиш муҳимдир.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига тармоғига киритиладиган инвестициялар катта аҳамиятга эга. Ушбу тармоқнинг ривожини бошқа тармоқлар истиқболи учун ҳам аҳамиятлидир. Бу эса макроиқтисодий кўламда иқтисодиётга инвестициялар ётқизишга бўлган талаб нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Бунинг учун, зарур даражадаги қулай бозор муҳити ва рағбатлантириш тизимини яратишни талаб этади. Ушбу жараёнда қишлоқ хўжалигининг истиқболли тараққиётига замин бўлувчи эркин бозор, инсон капитали ва меҳнатидан самарали фойдаланиш механизмларини жорий этишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Давлат статистика агентлигининг ҳисобот маълумотлари асосида берилди. // <https://stat.uz>.
3. Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.
4. 2024 йил учун давлат бюджетининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. // [https://uza.uz/oz/posts/2024-yil-uchun-davlat-byudjetining-asosiy-yonalishlari-korib-chiqildi\\_530655](https://uza.uz/oz/posts/2024-yil-uchun-davlat-byudjetining-asosiy-yonalishlari-korib-chiqildi_530655)